

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24



Haqiqat online



haqiqatonline_

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ – ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ: САВДО ВА САНОАТ СОҲАСИДА ЯНГИ ИМКONIЯТЛАР

▼ Хамкорлик



Шу кунларда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги вилоят делегацияси амалий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлиб турибди. Ташриф доирасида қатор муҳим учрашувлар, бизнес форумлар ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан музокаралар ўтказилди.

Делегация дастлаб тарихий ва гўзал Лаҳор шаҳрида Покистон Муслмон Лигаси етакчиси Муҳаммад Навоз Шариф ҳамда Панжоб вилояти бош вазири Мариам Навоз Шариф билан учрашди.

Самимий ва очик мулоқот руҳида ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги дўстона алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил февраль ойида Покистон Ислом Республикасига амалга оширган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги

стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлгани кайд этилди. Олий даражадаги учрашувлар сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, логистика ва

гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

▼ Қадриятларимиз

Маълумки, юртимизда ҳар йили Наврўз байрамига ўзгача тайёргарлик кўрилади. Аввало, маҳаллалар, кўчалар, хиёбонлар, қабристонларда азалий қадриятимиз бўлган ҳашарлар уюштирилади.

Юрт ободлиги МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ



Ҳашар шунчаки худудни тозалаш ёки дарахт экиш тадбири эмас. У халқимизнинг бирдамлиги, меҳнатсеварлиги ва узаро ёрдамга тайёргарлигини намён этадиган қадимий анъанадир. Айниқса, Наврўз байрами арафасида ўтказиладиган бундай тадбирлар юртин обод қилиш билан бирга одамлар қалбида меҳр-оқибат, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳислатларини янада мустаҳкамлайди.

Жорий йил 6 март куни давлатимиз раҳбарининг “2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча худудларда, кўча ва майдонлар, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиш, “Мен ҳам қўчат экман” акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ташкил этиш белгиланган.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шiori остида маҳаллалар, хиёбонлар, тураржойлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ҳамда болалар майдончаларини ободонлаштириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ҳамда санитария-гигиена маданиятини тарғиб қилиш, шунингдек, Рамазон ойида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 13-14 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинди.

2



YUQORI CHIRCHIQ VA BO'STONLIQ tumanlarida ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalarning farzandlari uchun sunnat to'yi tashkil etilib, iftorlik dasturxonlari yozildi. Bu kabi xayriy tadbirlar viloyatimizning barcha tuman va shaharlarida 5 nafardan chinakam muhtoj oilalarning farzandlariga o'tkazib berilmoqda.

Viloyat hokimining birinchi o'rinbosari Xurshid Qoraboyev rahbarligida qishloq xo'jaligi sohasidagi dolzarb masalalarga bag'ishlangan yig'ilish bo'lib o'tdi. Unda ijro intizomini mustahkamlash, statistik hisobotlarni o'z vaqtida berish, yangi ish o'rinlari yaratish, g'alla yetishtirish bo'yicha agrotexnik tadbirlarni sifatlilikni ta'minlash hamda chigit ekish mavsumiga puxta tayyorgarlik ko'rish masalalari muhokama qilindi.

O'RTA CHIRCHIQ tumanidagi 1-sonli texnikumda payshanba – Yoshlar kuni munosabati bilan tadbir o'tkazildi. Unda Milliy gvardiyaning Toshkent viloyati bo'yicha boshqarmasi va Favqulodda vaziyatlar bosh boshqarmasi boshliqlari, Chirchiq harbiy prokurori yoshlar bilan samimiy muloqot qildilar. Tadbirda jasorat sinfining jangovar namoyishlari, kamondan otish, harbiy qurol-aslaha ko'rgazmalari hamda favqulodda vaziyatlarda foydalaniladigan xizmat texnikalari bilan yaqindan tanishish imkoniyati yaratildi.

YANGIYO'L tumanining "Sho'rali-soy" mahallasida fuqarolar yig'ini yettilligi tomonidan amalga oshirilgan ishlar bo'yicha hisobot taqdim etildi. Yig'ilishda aholi muammolarini hal etish, kam ta'minlangan oilalarga ko'rsatilgan yordamlar, yoshlar tarbiyasi, shuningdek, mahallani obodonlashtirish hamda fuqarolar o'rtasida tartib-intizomni mustahkamlash borasidagi ishlar muhokama qilindi.

Нурафшон шаҳрида ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш, аҳолига қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Хусусан, Наврўз умумхалқ байрами арафасида шаҳардаги 6-сонли ДМТТ биноси тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши аҳоли учун ажойиб тўхфа бўлди.

Қишқинтойларга БАЙРАМ ТУҲФАСИ

▼ Мактабгача таълим



Мазкур муассаса 2025 йилда ташаббусли бюджет лойиҳасида голиб деб топилди, 1 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Ушбу маблағ ҳисобидан бинонинг ички ва ташқи қисми тўлиқ таъмирланди. Натижада гуруҳ хоналари, ўқув ва уйин майдонлари, йўлаклар ҳамда ёрдамчи хоналар замонавий талаблар асосида янгиланди. Шунингдек, биного янги безак бе-

рилиб, унинг ташқи кўриниши ҳам замонавий қиёфага келтирилди.

Муассасанинг қурилиш-таъмирлаш ишлари “Fayz Farovon Sanoat” МЧЖ томонидан амалга оширилди. Натижада боғчада тарбияланётган болажонлар учун янада қулай, хавфсиз ва замонавий таълим-тарбия муҳити яратилди.

Ўз муҳбиримиз



“ҲАЛИМКЎП”НИНГ ҚЎЛИГУЛ АЁЛЛАРИ

▼ Бандлик

Юртимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратилляпти, тадбиркорлик фаолияти истагида бўлганлар учун турли имтиёзлар берилмоқда. Ишсиз хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилиб, иш билан таъминланыпти.

2



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ – ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ: САВДО ВА САНОАТ СОҲАСИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Учрашув давомида Тошкент вилояти ва Панжоб вилояти ўртасидаги ҳамкорликни "биродар хўжалик" тамойили асосида ривожлантириш масаласида келишувга эришилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, туризм, чорвачилик, чарм sanoati ва инвестиция соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар ҳамда маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Покистон томони Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирган ҳолда, Тошкент вилояти ҳокими илгари сурган ташаббусларни қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Ўз навбатида, Зойир Мирзаев Тошкент вилояти ўзаро манфаатли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, бизнес доиралари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш ҳамда sanoat кооперациясини ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлаб, Панжоб вилояти бош вазири худудимизнинг инвестициявий ва sanoat салоҳияти билан яқиндан танишиш учун вилоятимизга таклиф қилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Шунингдек, ташриф доирасида Лахор шаҳри Savdo-sanoat палатасида Покистон – Ўзбекистон бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик сўнги йилларда сезиларли даражада кенгайиб бораётганини таъкидлади. Форумда вилоятнинг инвестицион салоҳияти, sanoat, қишлоқ хўжалиги, логистика ва қайта ишлаш тармоқларидаги имкониятлари таъкидланди. Покистонлик тадбиркорларга вилоятда яратилган қўлай инвестиция муҳити, хорижий инвесторлар учун тақдим этилган имтиёз ва имкониятлар, амалга оширилаёт-

ган иқтисодий ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланишича, бугунги кунда вилоятда покистонлик инвесторлар иштирокида 22 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар томонидан вилоят иқтисодиётига 200 миллион доллардан ортиқ инвестиция жалб этилган бўлиб, уларда йилга қарийб 300 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда ҳамда 1,5 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган.

Хусусан, 2025 йилда Тошкент вилоятининг 9 та тадбиркорлик субъекти томонидан Покистонга 3,6 миллион долларлик маҳсулот

экспорт қилинган. Жорий йил якунига қадар Покистон инвестицияси иштирокида умумий қиймати 38 миллион доллар бўлган фармацевтика, ипакчилик ва гўгурт ишлаб чиқариш йўналишидаги яна учта лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Таъкидланганидек, бизнес форум икки мамлакат ишбилармон доира вакиллари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш, янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ҳамда sanoat кооперациясини кенгайтириш учун муҳим мулоқот майдонига айланди.

Ташриф дастурига мувофиқ, делегация Покистоннинг қатор

йирик компаниялари раҳбарлари билан ҳам музокаралар ўтказди.

Жумладан, "Zarea", "Royal Leather Industries" ҳамда "Hawk Fire Industries" компаниялари раҳбарлари билан учрашувларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари savdo савдосини кенгайтириш, электрон savdo платформалари орқали экспорт-импорт алоқаларини ривожлантириш, логистика ва агробизнес соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, делегация Лахор шаҳрида фаолият юритувчи "Ўзбекистон savdo уйи" да ҳам бўлди. Ушбу savdo майдони орқали Ўзбекистон маҳсулотларини Покистон бозорида кенг тарғиб қилиш ҳамда икки давлат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Покистоннинг етакчи қурилиш ва инжиниринг компанияси Habib Rafiq Group (HRL) раҳбарияти билан ҳам учрашув ўтказилди. Унда Тошкент вилоятида амалга оширилаётган йирик шаҳарсозлик лойиҳалари, хусусан, "Янги Тош-

кент" лойиҳаси доирасида кенг кўламли қурилиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, гўштни қайта ишлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган Zenith Associates компанияси билан ҳам учрашув ташкил этилди. Мулоқот давомида Тошкент вилоятида замонавий чорвачилик комплекси ҳамда гўштни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Панжоб вилояти Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Ифтихор Али Саху ҳамда Чорвачилик ва сутчилик департаменти раҳбари Ахмад Азиз Тарор билан ҳам учрашув ўтказилди. Мулоқотда қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик ва агросаноат соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Томонлар чорвачиликни илмий асосда ривожлантириш, насликчилик ишларини такомиллаштириш, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш инфратузилмасини кенгайтириш бўйича ҳамкорликни янги bosqichga олиб чиқишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Вилоят делегациясининг Покистон Ислам Республикасига сафари бугун ўз ниҳоясига етди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ўткир ҲОШИМОВ тайёрлади

▼ Матбуот анжумани

15 март – Бутунжаҳон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, адолатли ва шаффоф бозор муҳитини шакллантириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МАРКАЗИДА



Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ва амалий механизмлар изчил такомиллаштирилмоқда. Бу эса фуқароларнинг сифатли товар ва хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, бозор муносабатларида адолат ва шаффофликни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда Федерациянинг 2025 йилдаги фаолияти, истеъмолчилар мурожаатлари билан ишлаш натижалари, суд орқали фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ички бозорда сотилаётган товар ва хизматлар сифати устидан ўтказилган жамоатчилик мониторинглари ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, жамоатчилик назорати тадбирлари орқали турли соҳаларда аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини тиклаш бўйича амалий чоралар қўрилмоқда. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини тезкор ва самарали кўриб чиқиш, замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали аҳоли билан мулоқотни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, онлайн мурожаатлар билан ишлаш тизими, ахборот порталлари ва ижтимоий тармоқлар орқали истеъмолчиларга тезкор ҳуқуқий маслаҳатлар бериш амалиёти изчил ривожлантирилаётгани таъкидланди.

Тадбир журналистлар билан очик мулоқот тарзида ўтказилиб, улар томонидан берилган savopларга мутахассислар атрафлича жавоб қайтаришди. Жумладан, турли соҳалардаги муаммоларни ўрганиш мақсадида истеъмолчилар ўртасида ўтказилаётган сўровномалар тартиби, онлайн savdo билан боғлиқ мурожаатлар ва уларни таҳлил қилиш натижалари ҳақида сўз юритилди. Шу билан бирга, жамоатчилик назорати тадбирларида фуқароларга тақдим этилаётган маълумотларнинг давлат тилида бўлишига жиддий аҳамият қаратилиши кераклиги таъкидланди. Айниқса, кўп қаватли уйлари фойдаланишга топшириш жараёнида учраётган камчиликлар, хусусан, уй-жойларнинг белги-ланган муддатларда топширилмаслиги, ипотека ёки кредит тўловлари кечиктирилган ҳолатларда банклар томонидан ҳисобланётган пенялар, автотураргоҳлар билан боғлиқ муаммолар қизгин муҳокама қилинди. Мутасаддилар бу масалалар бўйича олиб борилаётган ўрганишлар ва кўрилаётган чоралар ҳақида ҳам маълумот беришди.

Бундан ташқари, Федерациянинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ва каналлари фаолиятини янада ривожлантириш, СаП-марказ хизматини такомиллаштириш ҳамда жорий йилнинг дастлабки икки ойида Федерация ташаббуси билан ўтказилган жамоатчилик мониторинглари натижалари ҳам очикланди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛанади

Қарорлар ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли ҳашар тадбирлари ташкил этилди. Унда маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар жамоалари фаол иштирок этишди.

Ҳашарнинг биринчи кунинда вилоятимизда қатор ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 11 минг 835 та кўча, 2 минг 695 гектардан ортиқ майдон, 1 минг 760 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, сув йўллари тартибга келтирилди. Шунингдек, 1 минг 121 та қабристон, 65 та зиёратгоҳ, 1 минг 359 та болалар ва спорт майдончаси ободонлаштирилди.

Тадбирлар давомида 2 минг 98 тоннадан зиёд машина чикиндилар олиб чиқилди. 1 миллион 827 мингдан ортиқ дарахтлар оқлиниб, шакл берилиб, таги юмшатилади. Ушбу ишларга 1 минг 197 та техника воситалари жалб этилди.



Ҳайрия тадбирлари доирасида 2 миллиард 861 миллион сўмдан ортиқ маблағ "Ижтимоий дафтарлар", "Маҳалла" жағғармалари ва хомийлар ҳисобидан аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Икки кунлик ҳашар тадбирларида вилоят бўйича 1



миллион 230 мингдан зиёд фуқаро, жумладан, 813 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этиши режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, ҳашар ҳалқимизнинг эзгу аъёнларини намён этакдан, одамларни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган муҳим ижтимоий-маънавий тадбирдир. Обод кўчалар, файзли маҳаллалар, кўкариб турган боғу роғлар эса ана шу бирдамликнинг гўзал самарасидир. Бу каби ташаббуслар аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ва Ватанга муҳаббат туйғуларини янада мустақамлаб, Наврўз байрамнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини намён этади.

Ҳашар тадбирлари жойларда бугун ҳам давом этади.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

"ҲАЛИМКЎП"НИНГ ҚЎЛИГУЛ АЁЛЛАРИ

Тошкент туманининг "Ҳалимкўп" маҳалласи ҳам ана шу ислохотлар марказида бўлиб, аҳоли орасида тадбиркорлик руҳи кучаймоқда, айниқса, хотин-қизлар ўз бизнесини йўлга қўйиб, нафақат оиласи, балки маҳалла иқтисодиётига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнда давлат томонидан яратилаётган имконият ва имтиёзлар, албатта кўл келмоқда.

"Ўзбек аёли кўлига игна тутқазсангиз, бутун юртни кийинтиради", дейди доно халқимиз. "Ҳалимкўп"га бориб, бунга яна бир бор амин бўлидик. Кўл меҳнати билан яратилаётган ўзбекона маҳсулотлар сифатли ва харидорлиги боис ола-сингилларимиз даромади ҳам чакки эмас.

Уйдан чиқмаган ҳолда маблағ ишлаб топилгани ҳадисини олган Олтиной Холдорова 2022 йилдан буён кўрпа-тўшак ва ёстиқ тикиш билан шуғулланиб келади. У кунига 7 тадан 10 тагача кўрпача қавийди. Қисқа вақт ичида 20 нафардан ортиқ шогирд тайёрлаб, уларга хунар ўргатди. Бугун унинг маҳсулотлари харидордир.

– Пахтадан қавилган кўрпа-тўшаклар ҳавони яхши ўтказиши, одамни терлатмайди, – дейди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

хунарманд опа. – Синтетик хом ашёдан тайёрланган маҳсулотдан фарқи ўлароқ инсон саломатлиги учун кони фойда. Шу зайдла бугунги кунда турли кўринишдаги маҳсулотлар тайёрланяпти. Келинлар селига неки зарурат бўлса, ҳаммасидан бор.

Эътиборлиси, Олтиной Холдорова камбағаллик реестрига киритилган 5 нафар аёлни бепул ўқитмоқда. Давлат билан тузилган шартнома асосида унга субсидия ажратилган. Бу эса ишчи аёлларни касбли қилиш, уларни барқарор даромад манбаига эга бўлишларига хизмат қилмоқда.

Маҳалладаги яна бир аёл тадбиркор Малоҳат Авазатовадир. У "Маъмура илм курслари" МЧЖни ташкил этган. Асли касби логопед-дефектолог бўлган Малоҳат опа бугун 12 йўналишда ўқув курсларини йўлга қўйган. Жумладан, тикувчилик, тўқувчилик, ўқалаш, сартарошлик, мактабга тайёрлов, инглиз ва рус тили курслари фаолият кўрсатмоқда.

Марказ очилганига яқинда икки йил бўлган бўлса-да, ўқувчилар билан гавжум. Эътиборлиси, бу ерда Ёшлар ишлари агентлиги



ва Бандлик бошқармаси билан тузилган шартномалар асосида юборилган фуқаролар бепул таълим олмақда. Бунинг учун тадбиркорга давлат томонидан маълум миқдорда субсидия ажратилган. Натижада ҳам тадбиркор қўллаб-қувватланмоқда, ҳам аҳоли касб-хунари бўлиб, иш билан таъминланмоқда.

Шу маҳаллалик Маъмура Тошқариева эса мазкур ўқув маркази ёнида тикувчилик цехи очди. Айни пайтда бу ерда буюртма асосида кийимлар тикилмоқда. Келгусида тикув машиналарини кўпайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Бу эса маҳаллада бандлик даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Тадбиркорликни ривожлантиришдаги бу саяй-ҳаракатларда маҳалла еттиликнинг ҳиссаси катта. Улар аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш, давлат дастурларидан самарали фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Энг муҳими, маҳаллада боқимандалик кайфияти йўқ. Ҳар ким ўз меҳнати билан рўзгорини обод қилишга интилмоқда. Давлат томонидан берилаётган имконият ва субсидиялар эса бу ҳаракатларга мустақам таянч бўлмоқда.

Нозима АРСЛОНОВА
Меҳриддин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

▼ Долзарб мавзу

Марказий Осиё мамлакатлари учун сув нафақат табиий ресурс, балки иқтисодий тараққиёт, қишлоқ хўжалиги ва энергетика тизимларининг барқарор ишлашига таъсир этувчи стратегик омил ҳисобланади. Шу боис мутахассислар “Сув – Марказий Осиё давлатлари ривожланишининг асосий ресурси” дея таъкидлайдилар.

Орол денгизи ҳавзаси (ОДХ) Евроосиё қитъасининг марказида жойлашган узига хос табиий тизим ҳисобланади. Унинг энг муҳим хусусияти – чуқур ва ёпиқ гидрологик ҳудуд экандир. Ҳавзанинг асосий сув ресурслари Помир ва Тянь-Шань тоғларида шаклланади. Бу сувлар икки йирик трансгеографик дарё – Амударё ва Сирдарё орқали оқиб келиб, Орол денгизига қуйилади. Ҳавзада бошқа муҳим сув манбалари мавжуд эмаслиги эса мазкур ресурсларнинг қадрини янада оширади. Шу боис Орол денгизи ҳавзасидаги сув захиралари нафақат экотизимнинг ҳаётийлиги, балки минтақадаги мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг муҳим омилли ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги кенг ривожланган ҳудудларда сув таъминоти масаласи жуда долзарб.

Минтақада сув ресурсларини бошқариш ва тақсимлаш масалалари кўп йиллар давомида халқаро ҳамкорлик асосида амалга ошириб келинмоқда. Бунда Орол денгизини кутқариш халқаро жамғармаси (IFAS) доирасида фаолият юритаётган Давлатлараро сувни мувофиқлаштириш комиссияси (ICWC) муҳим ўрин тутди. Ушбу комиссия Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида сув тақсимотини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Мазкур тизим 1980-йилларда ишлаб чиқилган сув тақсимоти схемасига асосланади. Унда республикалардаги суғорилади-

ган ер майдонлари ҳамда ўртача суғориш меъёрлари ҳисобга олинган. Бироқ сунги ўттиз йил ичида минтақа мамлакатларида

СУВ ва ЭНЕРГЕТИКАДА ҚЎШМА ЕЧИМЛАР ВАҚТИ КЕЛДИ

қишлоқ хўжалиги тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Етиштириладиган экин турлари, суғориш технологиялари ва ердан фойдаланиш усуллари янгилангани ҳолда сув тақсимоти лимитлари деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Бу эса айрим ҳолларда жойлардаги реал вазиятни тўлиқ акс эттирмаглиги ва фермерлар эҳтиёжларини қондиришда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун сув ресурсларини бошқаришда замонавий ёндашувлар ва янги иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Муаммонинг яна бир муҳим жиҳати сув ва энергетика соҳалари ўртасидаги узвий боғлиқликдир. Марказий Осиё мамлакатларида гидроэнергетика, газ, кўмир ва нефть ресурслари турлича тақсимланган. Айрим мамлакатларда сув ресурслари кўпроқ бўлса, бошқаларида сувга бўлган талаб юқори бўлган

қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари жойлашган.

IFAS ва ICWC доирасидаги кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, минтақада гидроэнергетика, газ, кўмир ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш билан боғлиқ масалалар вақт-вақти билан юзага келади. Бу эса сув ва энергетика ресурсларини алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда бошқариш зарурлигини кўрсатади.

Шу сабабли айрим мамлакатлар IFAS ваколлатларини кен-

гайтириш ва энергетика масалаларини ҳам қамраб оладиган янги механизмларни жорий этиш тақлифини илгари сурмоқдалар. Хусусан, Марказий Осиёда Давлатлараро энергетика комиссиясини ташкил этиш гоёси муҳокама қилинмоқда.

Чунки минтақа мамлакатлари – Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон сув ва электр

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай қўшма ҳамкорлик механизмлари халқаро ривожланиш институтлари ва донор ташкилотларнинг энергетика ва сув лойиҳаларига инвестиция киритишга бўлган қизиқишини ҳам ошириши мумкин.

Шу билан бирга, сув ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун иқтисодий ривожланиш сиёсатини янада мувофиқлаштириш талаб этилади. Айниқса, сув ресурслари кўп бўлган ҳудудларда сув талаб қиладиган саноат тармоқларини жойлаштириш каби масалаларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, Марказий Осиёда сув ва энергетика ресурсларини самарали бошқариш фақат қўшма ҳамкорлик

орқали амалга оширилиши мумкин. Бу эса нафақат иқтисодий тараққиёт, балки минтақанинг экологик барқарорлиги ва келажак авлодлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Меҳридин ИБРАГИМОВ, “Тошкент ҳақиқати” мухбири



энергиясининг йирик истеъмолларини ҳам қамраб оладиган янги механизмларни жорий этиш тақлифини илгари сурмоқдалар. Хусусан, Марказий Осиёда Давлатлараро энергетика комиссиясини ташкил этиш гоёси муҳокама қилинмоқда.

орқали амалга оширилиши мумкин. Бу эса нафақат иқтисодий тараққиёт, балки минтақанинг экологик барқарорлиги ва келажак авлодлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Меҳридин ИБРАГИМОВ, “Тошкент ҳақиқати” мухбири

▼ Давра суҳбати

Жамият тараққиётига хизмат қилувчи дастур

Нурафшон шаҳридаги “ННТ ва Дўстлик уйи”да 2026 йилнинг мамлакатимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб белгиланиши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда маҳалла институтини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятга ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муҳитини кенгайтиришга қаратилган вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Сўз олганлар Давлат дастурида маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиш каби муҳим йўналишлар белгилаб берилганини қайд этишди. Шунингдек, маҳалла тизими орқали жойлардаги муаммоларни тезкор аниқлаш ва уларга ечим топишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар томонидан маҳаллаларда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳолини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида дастурда белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишда барча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда маҳалла фаолларининг ҳамжиҳатлигида иш олиб бориши жамият тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиши алоҳида таъкидланди.

Нигора ЎРОЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири

«AZ BENEFIT TRADING» МЧЖга тегишли бўлган қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари жамиятнинг эски манзилдан янги манзилга кўчиш жараёнида йўқолган деб ҳисобланади:

- Жамият ягона таъсисчисининг 2025 йил 16 апрелдаги 2/25 сонли қарорининг асли;
 - 2025 йил 16 апрелдаги «AZ BENEFIT TRADING» МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
 - 2025 йил 16 апрелда тасдиқланган жамият Устави асли;
 - 2025 йил 18 апрелдаги жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 1-сонли баённомаси асли;
 - 2025 йил 18 апрелдаги «AZ BENEFIT TRADING» МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
 - 2025 йил 18 апрелда тасдиқланган жамият Устави асли;
 - Жамият таъсисчисининг 2025 йил 4 декабрдаги 4/25 сонли қарорининг асли;
 - 2025 йил 4 декабрдаги «AZ BENEFIT TRADING» МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
 - 2025 йил 4 декабрда тасдиқланган жамият Устави асли;
 - 2025 йил 9 декабрдаги жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 1-сонли баённомаси асли;
 - 2025 йил 9 декабрдаги «AZ BENEFIT TRADING» МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
 - 2025 йил 9 декабрда тасдиқланган жамият Устави асли.
- Ушбу эълон берилган кундан бошлаб юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхалари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.
- Мазкур ҳужжатларнинг жамиятда нусхалари мавжуд.
- Агар мазкур ҳужжатлар топилса, уларни Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, “Қоратош” МФЙ, Қоратош кўчаси, 11-А уйга тақдим этиш сўралади.

▼ Эълонлар

“LOMBARD KRISTAL KREDIT” МЧЖ

Жамиятнинг 2025 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига		Пассив	Йил охирига	
		Йил бошига	Йил охирига		Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	72 106,54	53 396,53	Устав капитали	1 330 000,00	1 330 000,00
2	Товар-моддий захиралари	3 592,80	1 615,00	Қўшилган капитал		
3	Келгуси давр харажатлари	10 536,51	9 285,52	Резерв капитал	199 500,00	199 500,00
4	Дебиторлар	1 266 492,07	2 173 672,79	Тақсимланмаган фойда	10 443 039,96	16 263 890,75
5	Пул маблағлари	442 241,00	568 634,87	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Қисқа муддатли инвестициялар	11 617 385,81	16 240 023,94	Жорий мажбуриятлар	1 439 814,77	1 253 237,90
	Жами, активлар	13 412 354,73	19 046 628,65	Жами, пассив	13 412 354,73	19 046 628,65

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад		Харажат
	Даромад	Харажат	
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	11 160 001,64		
Сотилган маҳсулотлар таннархи			
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	11 160 001,64		
Давр харажатлари, жами:		3 938 003,87	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	3 671 387,09		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами:	10 893 384,86		
Фоизлар шаклидаги харажатлар		31 506,85	
Даромад солиғи тўлаунга қадар фойда	10 861 878,01		
Даромад (фойда) солиқ		1 641 027,22	
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар			
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	9 220 850,79		

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари МЧЖ шаклидаги АТ “DAXIN AUDIT EXPERTS GROUP” аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

“LOMBARD HAMKOR-KREDIT” МЧЖ

Жамиятнинг 2025 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига		Пассив	Йил охирига	
		Йил бошига	Йил охирига		Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	396 669,10	465 468,00	Устав капитали	1 992 698,30	1 992 698,30
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	298 904,70	298 904,70
4	Товар-моддий захиралари	8 667,20	6 249,60	Тақсимланмаган фойда	14 006 536,00	19 953 021,20
5	Дебиторлар	1 425 808,70	2 481 760,80	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	432 892,50	688 255,00	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қисқа муддатли инвестициялар	17 307 843,00	23 736 319,00	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8				Жорий мажбуриятлар	3 273 741,50	5 133 428,20
	Жами, активлар	19 571 880,50	27 378 052,40	Жами, пассив	19 571 880,50	27 378 052,40

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад		Харажат
	Даромад	Харажат	
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	17 558 446,70		
Сотилган маҳсулотлар таннархи			
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	17 558 446,70		
Давр харажатлари, жами:		6 737 549,30	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	3 771 548,80		
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами:	14 592 446,20		
Фоизлар шаклидаги харажатлар		535 143,20	
Даромад солиғи тўлаунга қадар фойда	14 057 303,00		
Даромад (фойда) солиқ		2 110 817,90	
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар			
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	11 946 485,10		

Жамиятнинг 2025 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари МЧЖ шаклидаги АТ “DAXIN AUDIT EXPERTS GROUP” аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этади!



носи сотилади;
– сотиш шартли ва нархи билан www.e-realtor.uz сайти орқали;
– савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб та-

нишиш мумкин;
– савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-realtor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Колл-центр: +99855-517-22-20.

Расмий сайтими: www.e-realtor.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘zsaodatqurilishbank” АТБ балансида бўлган:
– Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Мирзо Ғолиб МФЙ, Менделеев кўчаси, 8-уйда жойлашган тикувчилик цехи ва маъмурий би-

Инсон ўзинг... Беманзил хаёл

Ўткир РАҲМАТ

Асрлар, йилларни елкада тутиб,
Тиниб-тинчимаган инсон деган зот.
Гоҳида қувониб, гоҳи ғам ютиб,
Нажоткор йўллардан ахтарар имдод.
Тинч ҳаёт – саодат охири азал,
Шод яшар бу ишга қўйганлар тамап.

Хурлик нафасига ўрганган боғнинг
Бағрида тураркан талотўп, довул.
Соҳиби булади фарёнинг, оҳнинг,
Қалбга хузур етмас, етмайди ҳовур.
Кўринмас бу йўлнинг ҳеч интиҳоси,
Билмаймиз, не бўлар бунинг баҳоси...

Самовот бағрида сочилган юлдуз,
Ҳатто тонг отгунча қоқмайди мижжа.
Субҳидам қўйида борлиқ ювар юз,
Чехрасин нурафшон нурга тутганча.
Ҳар япроқ, ҳар чечак бахраманд ундан,
Нафасин ростлайди бу ёруғ кундан.

Қорли тоғлар сокин, маҳзун боқади,
Томчилар айланар минг бир ирмоққа.
Тошларни оралаб тинмай оқади,
Дала-дашт пойга бошин қўймоққа.
Ҳар неки яшамок, яшнамок истар,
Йўлига чинору майсалар музтар...

Шўх-шодон ёмғир ҳам талпингай ерга,
Уларда ором йўқ то тушмагунча.
Гўзал қизғалдоқлар адиру қирга,
Оловранг гилами тўшар тўлгунча.
Ҳар зарра уйғониб, товланаверар,
Офтобнинг кўзида солланаверар.

Қалқиб турган денгиз тек турмайди ҳеч,
Булуллар тин олмас, кўкда овора.
Шамол ҳам уйда ўтирмайди тинч,
Ненидир излайди шошиб бечора...
Шиддатли, оромбахш, мафтункор ҳаёт,
Бағрида минг ташвиш ичра одамзод...

Қайси бир гўшада эсон-омонлик,
Болалар шодлиги – гул очган макон.
Кўз очиб юмгунча ҳаёт бир онлик,
Яратган измида омонат бир жон...
Бу гўзал маъводан кўнгли тўймаган,
Ҳолини ҳолига сира қўймаган.

Нафс деган балони жиловлаб бўлмас,
Тўймас у, мисоли тубсиз ўпқондир.
Гўёки тешилган қоғоз ҳеч тўлмас,
Бировнинг ризига пинҳон қопқондир.
Тўплаган бори, ахир нетарди,
Наҳотки сўнг йўлга олиб кетарди?..

Жондай ришталарни бирма-бир узиб,
Истибод ҳар ёққа сочса гар қирон.
Қоларми кўнгилда шодликдан фусун,
Қоларми инсондан ахир ном-нишон?!
Эзгулик туғни кўтариб илдам,
Борганлар музаффар бўладир ҳар дам.

Кун келиб бегуноҳ ҳар қорақўзнинг,
Хуни олингайдир, йўқ бунга чора.
Адоват урчиган замонда бизнинг
Айбимиз кечирмас она сайёра.
Гуноҳлар елкада тураркан саф-саф,
Сўнги пушаймондан ахир нима наф?

Риёкорлик этса кўнглинга даҳл,
Сопса зулмлар ҳам бағринга титроқ.
Бежиз айтилмаган ахир бу нақл:

Тўймаган кўзларни тўйдирар тупроқ!
Эсда тут Искандир ҳикоясини,
Уйла ҳар амалнинг ниҳоясини...

Кичкина заррадай излаймиз паноҳ,
Коинот бағрида яна саргардон.
Дунёни бошига кўтарар, э-воҳ,
Гўёки кўлида бор бутун жаҳон.
Жимитдай жисмидан истаги катта,
Тинчликни унутиб юради ҳатто.

Беманзил хаёллар ичра одамзод,
Чексизлик оралаб юрмоғи душвор.
Ўзи бир нуқтаю, даввоси беҳад,
Гўё барча сирлар унгадир ошкор.
Қўлига тушганда темир ё олов,
Табиат бағрига туширар ялов.

Қадим бу маъволар сирин синаот,
Дарёлар қўшигин тинглаб тулнари.
Одамнинг оласи ичида фақат,
Битмас кўхна очун галаёнлари.
Бир ҳовуч тупроқдан яралган жонзот,
Ўзининг нелигин эсласин бот-бот.

Темирдан қалқонлар ясармиз билиб,
Тинчликнинг риштаси узилар ҳар дам.
Умрнинг шомини кутармиз қулиб,
Аслида заифмиз, энг ожиз одам.
Тўп каби тепилар бу азиз макон,
Талошлар ичида қолгайми омон?

Замоннинг чарҳида айланар тақдир,
Биз эса сояга интилган мастмиз.

Ҳақиқат кўзгуси синиқдир, ахир
Давоси баланду аслида пастмиз.
Бир сиқим тупроқнинг жанжали битмас,
Бу кенглик, айт, кимнинг қабрига етмас?!

Қаҳшашон юлдузлар ўчганда бир кун,
Қайси бир салтанат қолар барқарор?
Ҳаммаси беҳуда, ҳаммаси тутун,
Фақат пок туйғулар сўнмайди зинҳор.
Киши ўз нафсига берганда эрки,
Унутиб кўяркан инсонийликни...

Қушларнинг чуғури йўқолса агар,
Боғдан файз кетар, гўнча очмас гул.
Яшашнинг сурури йўқолса агар,
Инсон бўлиб қолгай аросатга қул...
Боқма ташвиш, осон-қийинларига,
Қўшилма разолат ўйинларига.

Унутма, бир марта ўтилар бари,
Бир бора яшалар бу тотли ҳаёт.
Бега яхшилик-ла умр дафтарин,
Толиққан қалбинга бағишла қанот.
Шунда чин орузлар завоп билмайди,
Боринг ёт қўлларда увол бўлмайди.

Бу замин сеники, сеники осмон,
Эгилма, чекинма, қайтмагин, синма.
Инсондек яшагин ҳаммиша инсон,
Эзгуликдан бошқа нарсага кўнма!
Қўшил мудом сен ҳам олий ниятга,
Бахт қолдир ортиндан башариятга!



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Ekspositor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentshaqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 18:30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-235.

8 383 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudko'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaga manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

▼ Шукроналик

Афсуски, мусулмон аҳли орзиқиб қутган
Рамазон ойи келганда, аҳли муслимнинг
интиқлик билан кутаётган Ийди Рамазон
– Ҳайит байрами эшик қоқаётганда дунё но-
тинчлиги тобора кескин тус олмоқда. Бегуноҳ
инсонлар, аламлисн, ёш болалар ҳалок бўл-
моқда. Жамикн, имон-эътиқод соҳиблари уруш
оловини ёқувчи кимсаларга, золим кучларга
инсоф, диёнат, меҳру шафқат тиламоқда.

Яратганга беҳисоб шукрлар бўл-
синки, бизнинг минтақа, элу юртимиз
тнч. Хурматли Президентимиз
олиб бораётган оқилу доно сиёсат
боис тунимиз осуда, кунимиз ширин
ташвишларга лиммо-лим. Ҳеч ким
этибордан четда қолаётгани йўқ.
Қаровчиси, боқувчиси йўқларни, кек-
салар ва беморларни йўқлаш Рама-
зон ойида юртимиз бўйлаб тизимли
амалга оширилмоқда. Уруш олови ёниб
турган ҳудудлардан 20 мингдан зиёд
ватандошларимиз соғ-омон ўз хона-
донларига олиб келинган ҳам ана шу
саъй-ҳаракатларнинг бир намунаси-
дир. Уларнинг тилларидаги шукрона-
лик, Юртбошимиз шаънига айтаёт-
ган самимий, илқ сўзлари, қувонч кўз
ёшлари, аслида бутун халқимизнинг
дил изҳори бўлиб жаранламоқда.

Ўйлаб кўрсак, қачон дийдалар
ўз-ўзидан ёшланади? Бизнингча,
инсон ўзи кўргиси келиб, кўролмаг
юрган меҳрини кўрса, ўзи эшитмоқ-
чи бўлиб, эшитолмай юрган сўзини
эшитса, бир сўз билан айтганда, ўзи
ахтариб юрган адолатга, ҳақиқатга,
шафқатга рўбарў келса... Тилимиз
учида турган сўз, балки кўнглимиз
тубида ётган дарддир. Ана шу кўн-
гилдаги дардга малҳам топсак, биз
нафақат ўзимиздан, бизни кўршаб
турган одамлар, жамиятдан ҳам
рози бўламиз.

Одам одамдан сўраса,
сўзи ҳавога учиши мумкин.
Аммо Яратгандан сўраса,
кўнгли кўклайди, руҳи рав-
шан тортади. Шу боис биз
бу дунёга сўрагани келган-
миз, десак, хато қилмаган
бўламиз. Чунки тилимиз
хаммиша дуода, дилимиз
нидода. Лекин фақат наф-
симиз эҳтиёжини эмас,
маънавий-маърифий эҳти-
ёжни юқори кўтарсак! Қўп
тадбирларда айтаманки,
қорин қайғуси – қозонгача,
қадр қайғуси – қадргача. Зо-
тан, Рамазон ойи ҳам қадр
қайғуси билан яшагача чор-
лайди бизни! Бу кутлуғ ой
– ҳар мўмину мўминани ўз
сабрига султон қилувчи ой!
Пайғамбаримиз Муҳам-
мад (с.а.в.) айтадилар:
“Имон яланғочдир, унинг
либоси тақво, зийнати
хаё, меваси эса илмдир”.

Художўйлик, худодан кўрқиб,
ўзганинг молидан хаё, хиёнатдан ҳазар,
бу – чин мўмин фазилатидир. Ак-
синча, бағрикенглик, очикўл,
саховатпеша бўлиш Яратганнинг ризо-
лигини исташдир.
Ҳазрат Навоий лутф қилган-
ларидек, гўзал либос ҳақида хаёл
сўрмоқ ҳам хузурбахш. Чунки либос
– зебо. Аммо Тангри ризолиги йўли-
да, ўзинг кийганингдан кийинтирга-
нинг афзал. Яна аллома шоиримиз
айтадилар:

САХОВАТ – АХИЙНИНГ ИЙРАТИ



Наъфинг агар халққа
бешакдурур,
Билки, бу наъф ўзинга
кўпракдурур.

Ҳақиқатан, муҳтож одамнинг дуо-
сини, бемор, етим-есир, кўчага кўз
тикиб ўтирган, қаровсиз инсонлар-
нинг дуосини олиш дуоларнинг энг
аълосидир. Аслида шундай муҳтож
кишилар Яратган билан бирга. Чун-
ки улар ҳар олган нафасларида
Унга илтижо қилади. “Қочган ҳам,
қувган ҳам Худо дейди”, деганлар-
ридек, барчамиз Яратганнинг дий-
дорига мушарраф бўлишдан умид-
вормиз. Худойим ўз бандаларига
шундай лутф қилган экан: “Эй, бан-
дам, мени кўрмоқчи эдинг, қурол-
мадинг. Мен сен учун қадрдон бўл-

ган беморнинг қошида эдим. Агар
сен унинг хузурига ташриф буюр-
ганинда мени кўрган бўлардинг”.

Чиндан ҳам, биз безътиборли-
гимиз, лоқайдлигимизни тан олмай-
миз. Бироқ вақт ўтиб, ўқиниб юра-
миз.

Иймоннинг зийнати – хаё. Аммо
бу чехрани ҳаёли қилиб кўрсатиш-
нинг ўзига эмас, қалб ҳаёси, фикр
ҳаёси, сўзлаш одоби ҳамдир. Яна
меҳр-мурувват соҳиби бўлишдир.
Бир сўз билан айтганда, ҳусни хулқ
эгасига айланиш саодатидир! Ҳожа
Аҳмад Яссавий бобомиз замонида
зикр овоз чиқариб айтилган. Баҳо-
вуддин Нақшбанд ҳазратлари: “Дил
ба ёру даст бакор”, деган ва қалб
Яратгани зикр этишда, қўл эса
тирикчилик учун меҳнатда бўлиши-

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири